Mavzuga qaytib

# АЙБДОРНИ ҚИДИРИШ АЙБ ЭМАС

*(Боши биринчи бетда)*

Шу ўринда шундай табиий саволлар туғилади: хўш, банк раҳбари ва кредит қўмитаси аъзолари "Ширмойи ССА" МЧЖ нинг 9 миллион сўм кредит ажратиш тўғрисидаги аризасини ўрганиб чиқишда жамият томонидан дастлабки сармояни шакллантириш учун олинган 1 миллион сўм маблағдан нотўғри фойдаланганни учун нега уни рад этмади? Аксинча, ижобий баҳо бериб, 6,9 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишига нима сабаб бўлган? Қолаверса,нима учун икки томонлама ҳуқуқий муносабатларни белгиловчи асосий меъёрий ҳужжат — кредит шартномасини имзолашди?

Қолаверса, Н. Назарова жамият таъсисчиларидан бири Ш. Тўраев билан шартнома тузган экан, адлия бошқармаси ходимлари янги раҳбарнинг кредит ололмаётгани тўғрисидаги аризаси юзасидан масалани ўрганаётган пайтда бу ҳақда нега билдирилмаган? Кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида суғурта компанияларидан маълумот сифатида кафолат хатлари олинган пайтда жамият раиси Н. Назарованинг ўзи эди-ку? Бу ерда Ш. Тўраевнинг қандай алоқаси бор? Ш. Тўраев жамият умумий йиғилишининг 2002 йил 16 апрелдаги умумий йиғилиш қарорига асосан раис этиб сайланган. Шунга қадар Н. Назарованинг аризасига биноан жамиятга нега кредит ажратилмади?

Бу саволлардан кўриниб турибдики, кредит олиш учун кафолат хати тақдим қилинган кундан Ш. Тўраев жамият раиси этиб сайланганига қадар орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтишига қарамасдан кредит ажратиш тартибларига зид равишда жамиятга кредит берилмаган. Агар Н. Назарова айтганидек, Ш. Тўраев ўз шахсий манфаатини кўзлаб иш юритадиган бўлса, аввал олинган 1 миллион сўм кредит бўйича лойиҳанинг мувафаққиятсиз амалга оширилганлигига у жамият маблағларини нотўғри сарфлаганлиги асосли бўлса, жамият раҳбари Н. Назарованинг жавобгарлиги қаерда қолади? Гап аслида "Ғаллабанк" бошқарувчиси М. Ҳасановнинг 2002 йил 29 майда "Ширмойи ССА" масъулияти чекланган жамият директорига йўллаган хати устида кетяпти. Ушбу хатда шундай дейилган: "Ширмойи ССА" МЧЖга бошланғич сармоя учун 1000.0 минг сўм кредит маблағи ажратилган бўлиб, ана шу кредит учун жамият раҳбари Н. Назарова жавобгарликни ўз бўйнига олган. Жамиятнинг ҳисоб-китобларини жой-жойига қўйиш, олинган кредит мақсадли ишлатилишини таъминлаши лозим".

Шу ўринда яна бир савол туғилади: нега банк мутасаддилари Ш. Тўраевга айбни тўнкаётган Н. Назаровага кредит учун ўзи масъул эканини эслатишмади? Бу банк раҳбарияти томонидан танқидни тан олмасдан айбни хаспўшлашга уриниш эмасми? Қарангки, Ш. Тўраевнинг аввал судлангани тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлгани боис банк ушбу жамиятга кредит ажратиш масаласини батафсил ўрганиб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаган эмиш. Судланган корхона раҳбарига кредит ажратиш мумкин эмаслиги қайси қонунда белгиланганини банкдагилар биладими-йўқми — буниси номаълум.

Эътирозноманинг бир ўрнида "корхона раҳбарлари ўзаро келишиб, банк кредит ажратишни сўраб мурожаат қилгунча маблағ ажратилмаган", дейилган. Қизиқ, банкдагиларга таъсисчиларни муросага келтириш, яраштириш, қозилик қилиш ваколати ҳам берилганми? Бизни шуниси ўйлантиради. Агар шундай бўлса, кредит шартномасида белгиланган муддат нима бўлади, йиллик фоизларни мижоз қачондан бошлаб тўлайди, низо келиб чиқса, ким ечади? Ахир, кредит шартномаси муддати ўзгартирилмаган-ку? "Ғаллабанк" бошқаруви раисининг ўринбосари Б. Дакибоев таҳририятдан раддия талаб қилишдан олдин шуларни ўйлаб кўрмаган шекилли...

Муҳтарам Б. Дакибоев вилоят адлия бошқармаси ходимларини Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган 2-иловадаги Низомни билмасликда айблабди. Бироқ Б. Дакибоев "Ғаллабанк"нинг Самарқанд вилоят филиали кредит қўмитасининг 2002 йил 22 февралдаги 7-сонли қарори билан танишганда, маблағ банк даромади ҳисобига ташкил этилган махсус жамғармадан эмас, аксинча, бюджетдан ташқари жамғарма, яъни меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси маблағи ҳисобига ажратилишини билиб олган бўларди... Эътирозномада адлия бошқармасининг бир қанча ҳаракатларга бир томонлама ҳуқуқий баҳо берилганлиги даъво қилинаяпти. Аслида санаб ўтилган ҳолатлар даъвонинг асоссиз эканини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш жоизки, "Ғаллабанк" бошқаруви мутасаддиларининг эътирозига қаршилик қилиш ниятимиз йўқ. Мазкур мақолани ёзишдан мақсад банкдагиларнинг ишчанлик обрўсига путур етказиш эмас, балки йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилишларига матбуот орқали кўмаклашишдан иборат эди, холос.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. "Ғаллабанк" бошқаруви банкнинг Самарқанд минтақавий филиалини оқ ювиб, оқ тараяпти. Хато-камчиликларни тан олиб тузатиш ўрнига айбни бошқалардан қидиряпти. Ҳолбуки, 2001 йилнинг иккинчи ярим йилида вилоят адлия бошқармаси томонидан Булунғур туманидаги 64 та фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, "Ғаллабанк" минтақавий филиали ҳисобидан шартномага асосан етказиб берилган ғалла маҳсулотлари учун тўланмаган устама ҳақ ва жарималарни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилган эди. Даъво аризалари қаноатлантирилганлигидан "Ғаллабанк" бошқаруви хабардор. Бу уларга сабоқ бўлмадимикан?

**Ш. МУСАЕВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Tahlil ko`zgusi

# ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

## САККИЗИНЧИ МАЪЛУМОТ

Азиз газетхон!

Бугун ҳам мавзуни давом эттириб, қуйида Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган 1719 нафар тадбиркор ўртасида ўтказилган сўров натижаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Шуни айтиш жоизки, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 351 нафари ( 20,4 фоизи) фермер хўжалиги, 531 нафари (30,8 фоизи) якка тартибдаги тадбиркорлар, 267 нафари (15,5 фоизи) кичик корхона, 253 нафари (14,7 фоизи) микрофирма, 196 нафари (11,3 фоизи) ўрта бизнес субъекти ва 122 нафари (7,0 фоизи) бошқа шаклдаги тадбиркорлик субъектлари аъзоларини ташкил этади.

Тадбиркорларнинг таъкидлашича, улардан фаолияти давомида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб этилган. Жумладан, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 341 нафари (19,8 фоизи) давлат рўйхатидан ўтиш, 435 нафари (25,3 фоизи) ҳисобот топшириш, 220 нафари (12,7 фоизи) лицензия ( рухсатнома) олиш, шунингдек, 624 нафари (6,3 фоизи) ер ажратиш, 323 нафари (18 фоизи) кредит бериш ва 147 нафари бошқа ҳолларда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганини таъкидлашган.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат идоралари томонидан турли хил жамғарма, тадбир, газета ва журналлар обунасига тадбиркорларнинг маблағларини мажбурий равишда жалб этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Хусусан, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 490 нафари (28,5 фоизи) пул маблағлари қайд этилган тадбирларга ўзларининг розилигисиз ишлатилганини билдиришган.

Шу билан бирга сўров натижаларининг таҳлили тегишли идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларни қабул қилишда белгиланган муддатларга риоя қилинмаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 566 нафари 2 кун, 230 нафари 3-5 кун, 132 нафари 5-10 кун ва 28 нафари 10 кундан кўп муддатда ҳисобот топшириш учун вақт сарфлаганини билдиришган.

Маълумки, бугун мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш амалдаги қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган бўлса-да, бироқ назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний равишда текшириш ҳоллари учраб турибди. Буни сўровда иштирок этган тадбиркорлар ҳам тасдиқлашган. Жумладан, улар бундай текширишлар 123 марта ҳокимият, 217 марта солиқ, 150 марта давлат санитария эпидемиология назорат марказлари, 62 марта ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва 52 нафари ёнғинга қарши кураш идоралари томонидан ўтказилганини билдиришган.

Қонунга кўра, текширишлар бир йилда бир маротаба ўтказилиши белгиланган. Лекин вилоятда бу тартибга риоя қилинмаган. Масалан, сўралган тадбиркорларнинг 473 нафари бир йилда 2 марта, 338 нафари 3-5 марта, 37 нафари 6-10 марта ва 48 нафари бир йилда 10 мартадан кўп текширишлар ўтказилганини билдиришди. Шунингдек, 629 та ҳолатда текширишга келган шахслар тадбиркорларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни танишиш учун тақдим этмаган.

Энг асосийси, назорат қилувчи идоралар ходимларига **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"** тўлдириш учун тақдим этилганда, улар 465 та ҳолатда текшириш ўтказмай қайтиб кетишган.

Маълумки, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора ходимлари тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга бевосита масъул ҳисобланади. Бироқ уларнинг ўзлари томонидан қонунбузилиш ҳолларининг содир этилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Мисол учун, 2000 йил 25 январ куни Когон туман ДСИ ходимлари томонидан "Сиддиқов Наби" фермер хужалигида тафтиш ўтказилган ва унинг натижалари Когон туман прокуратурасига юборилган. Туман прокуратураси томонидан фермер хўжалиги раҳбари Р. Сиддиқовага нисбатан Жиноят Кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари тугагач, айблов хулосаси прокурор томонидан тасдиқланиб, жиноят иши Когон туман судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг ҳукми билан Р. Сиддиқова ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги муносабати билан Жиноят Кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди билан оқланган.

Аммо Қоровулбозор туман прокурорининг кассация протестига асосан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг ажримига кўра, Когон туман суди томонидан чиқарилган оқлов ҳукми бекор қилиниб, қайта кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг бошқа ҳайъатига юборилган.

Судлар томонидан жиноят иши бир неча ойлар мобайнида қайта-қайта кўрилиб, натижада Жиноят Кодексининг 65-моддаси талабларига асосан Р. Сиддиқованинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган ва жиноят иши ҳаракатдан тугатилгани ҳақида ажрим чиқарилган.

Лекин бу ажримга ҳам кассация тартибида шикоят келтирилган ва Бухоро вилоят суди ажримни такроран бекор қилиб, жиноят ишини қайта кўриб чиқиш учун Когон шаҳар судига юборган.

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди Р. Сиддиқованинг ҳаракатларида Жиноят Кодексининг 184-моддаси 2-қисми «б» бандига биноан жиноят таркиби йўқлиги муносабати билан оқлов ҳукми чиқарган.

"Сиддиқов Наби" фермер хўжалигининг раҳбари, тадбиркор аёл Рўзигул Сиддиқова давлат солиқ инспекцияси ходимларининг тақдимномасига кўра асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган. Биргина нотўғри хулоса туфайли у қарийб икки йил сарсон-саргардон бўлди.

Энг ачинарлиси шундаки, Когон туман ҳокими томонидан Р. Сиддиқова туман Кенгаши депутати бўлишига қарамай, туман депутатлари кенгаши розилиги олинмасдан фақат кузатув хати билан жиноий жавобгарликка тортишга розилик билдирилган.

Шунингдек, туман молия бўлими мудири ва Когон туман ДСИ ходимлари ўз вакиллари билан нотўғри тафтиш ўтказиб, хулосалар тақдим этган. Бу борада Рўзигул Сиддиқованинг қонуний ҳуқуқлари поймол этилиб, унга моддий ва маънавий зарар етказилган.

Шуларни эътиборга олиб, Бухоро вилоят адлия бошқармаси Когон туманида фаолият кўрсатаётган "Сиддиқов Наби" фермер хўжалиги раҳбари Рўзигул Сиддиқованинг манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар — Когон туман ҳокими, молия бўлими мудири, Когон туман ДСИ ходимларига нисбатан ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлик натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судига даъво ариза киритди. Бугунги кунда бу фуқаролик иши суд жараёнида кўрилмоқда.

Мана, оддийгина бир ноқонуний текшириш келтириб чиқарган муаммолар.

Энди яна сўров натижаларига қайтадиган бўлсак, унда иштирок этган тадбиркорларнинг 732 нафари тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан хизмат хоналарига чақиртирилганини таъкидлашган. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг 308 нафари норасмий шахслар томонидан уларни тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш билан қўрқитиш ёки бошқа шаклларда тазйиқ ўтказиш ҳолатлари мавжудлигини билдиришган. Шунингдек, тадбиркорларнинг 362 нафари рўйхатдан ўтиш, 144 нафари лицензия (рухсатнома) олиш, 281 нафари ҳисобот топшириш, 154 нафари қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш, 305 нафари ер, 49 нафари биноларни ижарага олиш, 110 нафари бозорлардан савдо жойи, 330 нафари кредит, 139 нафари хомашё учун рухсат олиш, 176 нафари солиқ идоралари, 103 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, 81 нафари давлат санитария эпидемиология назорати марказлари, 48 нафари энергия назорати идоралари, 59 нафари ёнғинга қарши кураш идоралари вакиллари томонидан текширилганда, 128 нафари савдо гувоҳномаси, 72 нафари архитектура идораларидан қурилиш учун рухсатнома олиш, 70 нафари ерни кадастр хизматидан рўйхатдан ўтказиш, 39 нафари электр тармоғи, 41 нафари газ тармоғига уланиш, 90 нафари муҳр тайёрлаш, 85 нафари хусусийлаштириш, 35 нафари божхона идораларида ҳужжатларни расмийлаштириш, 99 нафари банкларда шартномаларни расмийлаштириш ва 178 нафари бошқа ҳолларда таъмагирликка дуч келганликларини билдиришган.

Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 1153 нафари банкдаги ўз маблағларидан эркин фойдаланмаётгани, 964 нафари шартномага асосан топширган маҳсулот (товар) ёки кўрсатилган хизматлари учун пулларни ўз вақтида ололмаётганини таъкидлашган.

Албатта, мазкур сўровномани ўтказишдан кўзланган мақсад кимнидир қоралаш, айбини ошкор қилиш эмас, балки тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга кўмаклашишдир.

Зотан, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти — тараққиёт кафолати деб баҳоланаётган экан, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Пўлат АҲМЕДОВ,**
**Адлия вазирлигининг масъул ходими**



*Асрларга елкадош обидалар*

Ijro intizomi

# "ҚАРС" ИККИ ҚЎЛДАН

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш истиқболини таъминлашда Президентимизнинг "Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Яқинда Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан қайд этилган фармон ва қарор ижросини таъминлаш қандай бораётгани ўрганиб чиқилди.

Аввало шуни айтиш керакки, "Каттақўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида шартномавий муносабатларнинг аҳволи ўрганилганда, 2001 йилда 23 та ширкат хўжалиги ва 176 та фермер хўжалиги билан 36 минг 925 тонна пахтага контрактация шартномалари тузилгани ва шартномалар бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб қилингани маълум бўлди.

Иштихон туманидаги "Митан пахта" акциядорлик жамияти ҳам ширкат хўжаликлари ва фермерлар билан 2001 ҳосили бўйича тузилган шартнома шартларини бажаришган. Бундан ташқари, 2002 йил ҳосили учун 831 та контрактация шартномалари тузилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси амалдаги меъёрий ҳужжатларга тўла мос тушади.

Бироқ "Жомбой пахта" ва "Улуғбек" пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари юқоридаги фармон ҳамда қарор ижросини таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйишган. Бошқарма шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда фермер хўжаликларига топширилган маҳсулот учун ҳақ тўламаётганликлари учун ҳар икки жамият раҳбарлари номига тақдимнома киритган. Аммо "Улуғбек" пахта тозалаш акциядорлик жамияти мутасаддилари бу огоҳлантиришдан тегишли хулоса чиқариб олишмади. Шартнома шартларини вақтида таъминламаганни учун жамият раиси вазифасини бажарувчи ва бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий баённома тузилиб, у вилоят хўжалик судига юборилганди. Вилоят хўжалик судининг шу йил 22 мартдаги қарори билан "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 176- моддасига асосан жамият раиси вазифасини бажарувчи А. Тошматов энг кам иш ҳақининг ўн беш, бош ҳисобчи Р. Шоназаров энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида жаримага тортилди.

Умуман айтганда, шу йилнинг ўтган даври мобайнида "Жомбой пахта" акциядорлик жамияти ҳисобидан тумандаги 43 та фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, 13 миллион сўмлик, "Бизнес мактаб" манфаатини кўзлаб, "Зирабулоқ пахта тозалаш" акциядорлик жамияти ҳисобидан 1 та 1,7 миллион сўмлик, "Улуғбек" пахта тозалаш акциядорлик жамияти ҳисобидан 162 та фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб 42,4 миллион сўмлик — жами 57,1 миллион сўмлик 206 та даъво ариза вилоят хўжалик судига киритилди. Энг муҳими, барча киритилган даъво аризалар суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Хуллас, тарозининг ҳар икки палласи ҳам тенг бўлиши керак. Шундагина деҳқон ҳам, корхона ҳам панд емайди. Деҳқондан пахтани олиб, ҳақини тўлашни пайсалга солишга эса қонун йўл қўймайди.

**Алишер ЭШИМОВ**

МУЛОҚОТ

## Савол беринг!

***Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.***

***САВОЛ: — Туманимизда фаолият юритаётган муниципиал биржалар томонидан кўчмас мулк, автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномалари расмийлаштирилмоқда. Ушбу шартномалар қонунийми ёки бундай шартномалар фақат нотариал расмийлаштирилиши лозимми? Яқинда ўғлимга дўконимни ҳадя қилмоқчи бўлиб биржа орқали расмийлаштирилган дўконнинг олди-сотди шартномаси ҳужжатларини нотариал идорага тақдим қилганимда, нотариус қонунга кўра бундай ҳужжат эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинмаслигини билдирди. Шу тўғрими?***

**Эшмирза ГУЛБОЕВ,**
**Шўрчи тумани, «Толли» ширкат хўжалиги**

**ЖАВОБ: — Муниципал биржалар томонидан кўчмас мулк, автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш, "Биржалар ва биржа фаолияти" тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасида таъкидланишича, биржа томонидан рўйхатга олинган биржа товари хусусида биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган олди-сотди шартномаси биржа битими ҳисобланади. Биржада рўйхатга олинган битимлар нотариал тасдиқланмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Дарҳақиқат, бунга мувофиқ мазкур шартномалар қонунийдир. Бу Фуқаролик Кодекси моддаларида ўз ифодасини топган.**

**Биржа орқали расмийлаштирилган дўконингиз Фуқаролик Кодексининг мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари бўйича (182-модда) битимлар асосида ҳам қўлга киритилиб, биржа томонидан расмийлаштирилган дўкон олди-сотди шартномасини расмийлаштирган кундан бошлаб эгалик ҳуқуқини вужудга келтиради ва ушбу биржа билан ўртангизда дўконни расмийлаштирган олди-сотди шартномангиз эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинади.**

**Бундан ташқари, Фуқаролик Кодексининг 504-моддаси охирги қисмида айтилишича, кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.**

Qonun ijodkorligi

# ИСЛОҲОТ САМАРАСИ

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ва адолатли жазо чорасини қўллашда 2001 йил 29 августда жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши суд тизимида ҳам жиддий ўзгартиришларни келтириб чиқарди. Бинобарин, жамият ҳаётида катта жиноятга қўл урган жиноятчилар билан биргаликда бундан кўра кичикроқ жиноятни содир этган кишилар ҳам учраб туради. Лекин қайси ўринда қонунбузарлик ва бировнинг ҳақига тажовуз қилиш юз берса, барибир жиноят саналиб, унга тегишли жазо белгиланиши шарт. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин жиноят турига қараб жазо белгиланиши ва бунда кўпроқ инсонийлик тамойиллари асосида иш юритиш зарурати сезилди. Шу ўринда шўро даври суд қонунчилигини эслайдиган бўлсак, жиноятчи устидан ҳукм чиқаришда кўп ҳолларда инсон манфаати эмас, балки давлат манфаати биринчи ўринга қўйилган. Натижада билиб-билмасдан ёки қасддан қилинган жиноятда айбдорнинг иқрори, кечирим сўраши унчалик инобатга олинмаган. Айтайлик, у даврда бир сўм камомадга йўл қўйган ёки ҳисоб-китоб қилинганда кассадан бир сўм ортиқча чиқарган дўкон мудири ҳар икки ҳолатда ҳам айбдор саналган. Бир сўм кам чиқса, «нега давлат мулкини ўмардинг», дейилган бўлса, бир сўм кўп чиқарса, «нега халқнинг ҳақидан уриб қолдинг», деган айблов бўйнига қўйилган ва ҳатто ҳукм қамоқ жазосини белгилашгача бориб етган. Ҳозирги қонунчиликда ана шу жиҳатлар ҳар томонлама ўрганилиб, моддий ва маънавий зарарни тўлаган жиноятчига айбига яраша енгил жазоларни қўллаш суд тизими ҳамда унинг қарор чиқариш услубига ижобий таъсир кўрсатди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Челак шаҳар шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири бўлиб ишлаган Алим Жўраев бемор Нилуфар Тонготаровани қабул қилиб, бўлимнинг 5-хонасига ётқизган. Нилуфарнинг турмуш ўртоғи врач билан учрашиб, керакли дори-дармонлар рўйхатини ёзиб олган. У 4 минг сўмлик дори-дармонни ўз вақтида етказиб берганига қарамасдан врач ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда операция хизмати учун қўшимча 10 минг сўм пора талаб қилган. Нилуфарнинг турмуш ўртоғи эса бунча пулни қаердан топиб келтиришни ўйлаб боши қотади ва тегишли идорага унинг устидан арз қилишга мажбур бўлади. Хуллас, Алим Жўраев ички ишлар ходимлари томонидан пора олаётганда қўлга олинади. Судланувчи Алим Жўраев Жиноят Кодексининг 210-моддаси 1-бандига биноан айбли деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 72 баробари миқдорида, яъни 295.875 сўм жарима тўлайдиган бўлди ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан икки йилга маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, «Туркистон» жамоа хўжалигининг Охунбобоев номидаги қишлоғида яшовчи Умрқул Эшбоевнинг товуқхонасига ўғри тушган ва икки бош товуғини ўғирлаб кетиш пайтида ўғрини ушлаб олишган. Ўғри бола қаттиқ саросимага тушиб, икки бош товуқни бўйнидан сиқиб ушлаганидан ўлдириб қўйган. Товуқнинг эгалари болани дарҳол милиция бўлимига олиб бориб топширишган. Судда ўғирлик содир этган боланинг ота-онасиз етимлиги ва келтирган зарар кам миқдорда экани инобатга олиниб, уни жазога тортиш бекор қилинди.

Албатта, жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Лекин суд ажримини чиқаришда шошма-шошарликка йўл қўйиш ҳам тўғри эмас. Инсон борки, у қайсидир даражада хато ва камчиликдан холи эмас. Шунинг учун айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортишда биринчи марта бунга қўл ургани аниқланса ҳамда моддий ва маънавий зарарни тўлашни бўйнига оладиган бўлса, бунга қаттиқ жазо белгиланиши жамиятда турли нохуш ҳолат ва кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Бу эса жамият ҳаётини ислоҳ қилишни енгиллаштириш ўрнига ташвишли муаммоларни туғдиради.

**Норкамол ТОШМУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Qonun hamisha haq

# ФЕРМЕР ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Наманган вилоят хўжалик суди судьяси М.Обидов раислигида ўтаётган суд илгариги суд мажлисларидан тубдан фарқли эди. Чунки аксарият ҳолларда судда даъвогар сифатида фермер ёки хусусий тадбиркор иштирок этган бўлса, бу гал бошқача бўлди: "Учқўрғондонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти — даъвогар, Уйчи туманидаги "Иброҳим ота" фермер хўжалиги эса жавобгар сифатида қатнашди.

Даъвогар вакили Н. Умаровнинг таъкидлашича, 2000 йил 26 октябрда туманлар ўртасида 34-сонли контрактация шартномаси имзоланган. Унга кўра, жавобгар давлат эҳтиёжи учун 34 тонна ғалла дони етказиб бериш мажбуриятини олган. Ҳиссадорлик жамияти олдиндан "Иброҳим ота" фермер хўжалигига 489100 сўм бўнак пули берган. Жавобгар эса шартнома шартларини қўпол равишда бузган: мўлжалдаги 34 тонна ўрнига, бор-йўғи 14,6 тонна дон топширган, холос. Контрактация шартномасининг 4.1-бандида шартномада кўрсатилишича, белгиланган маҳсулотни топширишдан асоссиз равишда бўйин товлаган хўжалик топширилмаган дон қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаши лозим.

Суд мажлисида жавобгар томон вакили фермер хўжалиги бошлиғи С.Иброҳимов биринчи марта шартнома асосида маҳсулот топшираётгани, ҳали бу борада тажрибаси камлиги, техника таъминотида узилишлар бўлгани, сарф-харажатлар ошиб кетганини рўкач қилди. Бу сабаблар ғалла ҳосилига салбий таъсирини ўтказганини, буғдой яхши бўлмагани боис унинг ўрнига шоли экилганини тушунтиришга уринди.

Прокурор Ш. Абдуллаев эса, даъво талаблари ҳужжатлар билан асослантирилганини таъкидлаб, фермер хўжалигининг шартномавий режаларни бажармагани узрли эканини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаганини уқтирди. Бундай ҳолда даъво тўлиқ қаноатлантирилиши лозим.

Суд тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, томонларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Ҳақиқатан ҳам, 2000 йил 26 октябрда 34-сонли "Давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси" тузилган. Шартнома туман маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича Давлат инспекцияси томонидан рўйхатга олинган.

Суд даъвогар — "Учқўрғондонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятининг шартномавий мажбуриятларни тўлиқ бажаргани, яъни фермер хўжалигига 489100 сўм бўнак пулни ўтказиб берганини эътироф этди. Фермер хўжалиги ўз вақтида шартномавий мажбуриятларини бажариш чора-тадбирларини кўриши керак эди. Бироқ фермер хўжалиги буғдой ўрнига шоли етиштиришга киришиб кетиб, ўртада тузилган контрактация шартномасига ўзгартириш киритишни ўйлаб ҳам кўрмаган, 2001 йил 11 августдаги 05/25-сонли талабномага эътироз ҳам билдирмаган.

Хуллас, суд даъвогарнинг узрли сабабларсиз топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоиз миқдорда жарима тўлаш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантирди. Фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 179576 сўм жаримани "Учқўрғондонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти фойдасига ундириб бериш ҳақида қарор чиқарди. Шунингдек, фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 5387 сўм давлат божи, 2000 сўм почта харажати ҳам ундириладиган бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида шартнома шартларини бажариш ва унга амал қилиш ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилганди. Дарвоқе, шартнома шунчаки номига тузилмайди, балки унинг замирида жамият манфаатлари ётадики, буни ҳар бир фермер ёки оилавий пудратчи чуқур тушуниши, ҳис этиши лозим.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Insoniylik tamoyillari

# ШИФОКОР СИРИ

## ЁКИ БЕМОРНИНГ МАЪЛУМОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ХУСУСИДА

Кишилик жамияти муносабатлар силсиласидан ташкил топган. Бу ўринда ана шулардан бири бўлган шифокорнинг беморга бўлган муносабати ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

“Шифокор – бемор” муносабатини ўрганиш тиббиёт одоби доирасига киради. Мутахассисларнинг фикрича, шифокор ва тиббий ёрдамга муҳтож одам ўртасидаги муносабатларнинг **патерналистик** (pater – лотинча “ота” дегани) ва беморнинг розилигини олишдан иборат иккита анъанавий модели бор. Биринчи моделга мувофиқ, шифокор гўёки ҳамма нарсани идрок этувчи ва кучли ота, бемор унга тўла-тўкис ишонади. Албатта, фавқулодда вазиятларда ҳеч нарсани мушоҳада қилиб ўтирмай ишониш – ҳаётий зарурат. Бироқ “одатдаги” даволашда патерналистик муносабатлар бутун масъулиятни шифокор зиммасига юклаб қўйиш учун жуда қулай имконият, бунда бемор суст итоатгўй шахсга айланиб, гарчи ўз манфаатлари учун бўлса-да, ўзганинг хоҳиш-иродасини сўзсиз бажо келтиради.

Даволаниш (ёки даволаш) узоқ муддатли ҳамкорликдаги жараён бўлиб, бемордан фаолликни тақозо этади. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, шифокорлик сири билан маълумотнинг махфийлигини чалкаштириб юбормаслик зарур. “Шифокорлик сири” дейилганида муайян бир беморга тааллуқли маълумотларни бошқа одам томонидан ошкор этиш таъқиқланганлиги тушунилмаслиги керак. Бинобарин, бировга ишонилган сирни ҳар қандай тарзда ошкор этишнинг ўзи ахлоқсизликка киради.

Шифокорлик сири — бирор одамга бевосита тааллуқли маълумотларни айни шу одамнинг ўзидан сир сақлашдир.

Шифокорлик сири тарафдорларининг келтирадиган асосий далилига кўра, руҳияти нобарқарор касалманд одамлар ўз руҳияти ва саломатлиги ҳолатига доир ҳақиқатни билгани заҳотиёқ уларнинг ҳис-туйғуси ва иродаси сусайиб, натижада сира кутилмаган оқибатлар юзага келиши мумкин. Шу билан бирга бунинг акси, яъни одам ўз касаллигига қарши курашади, деган тахминда, фикримизча, жон бор. Бу фикр ҳеч бўлмаганда, биологик нуқтаи назардан асослидир. Негаки, одамда яшашга бўлган интилиш ўз ҳаётини ўзи сақлаб қолиш инстинкти каби куч касб этади.

Даволаш учун узоқ вақт машаққатли меҳнат талаб қилинадиган (сурункали касалликлар), бемор (биологик жиҳатдан) зурриёт қолдириши мумкин бўлмаган, юқумли касалликларга дуч келинган ва шу каби қатор ҳолларнинг аксариятида касалликка доир маълумотларни бемордан сир сақлаш ман этилади.

Патерналистик модель қўлланилганда, шифокор шахснинг (ўзи ҳақида) маълумотлар олиш ва ўзининг хулқ-атворини ўзи танлаш ҳуқуқини (соф инсонпарварлик нуқтаи назаридан) чеклашга жазм қилишдек оғир масъулиятни зиммасига олади.

Ҳозирги пайтда “беморнинг розилигини олиш” модели дунё миқёсида борган сари кенг қўлланмоқда. Беморнинг розилигини олиш тартиботи – тиббиёт амалиётини ҳуқуқий регламентлашнинг шаклидир. Мутахассис-олим Т.Покуленконинг фикрича, “беморнинг розилигини олиш дейилганида, шифокор томонидан касалликка доир адекват маълумотлар берилганидан кейин беморнинг даволаш курси ёки терапия муолажасини ихтиёрий олиши тушунилади. Ушбу жараённинг маълумотлар тақдим этишдан иборат бўлган розилик олиш асосий белгиларини шартли равишда ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчи белги ўзида ихтиёрийлик ва маълумотлардан хабардорлик тушунчаларини мужассам этган. Шифокор зиммасига беморни унга таклиф этилаётган даволашнинг табиати ва мақсадлари, мазкур даволаш билан боғлиқ жиддий таваккал, даволашнинг бошқа муқобил имкониятларининг бор-йўқлиги ҳақида хабардор этиш мажбурияти юкланади. Шифокор беморга тиббиёт нуқтаи назаридан энг мақбул усулни маслаҳат беради, бироқ узил-кесил қарорни маънавий-руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда беморнинг ўзи қабул қилади.

Баён этилган ушбу ҳолат ҳам мамлакатимизда жорий этилмоқда. Оғзаки шартнома тарзида бўлса-да, шифокорларнинг аксарияти амалда худди мана шу тарзда иш юритаяпти. Таъбир жоиз бўлса айтиш жоизки, ёзма шартномаларнинг намуналари айрим даволаш муассасаларининг маъмурияти томонидан тузилмоқда. Айниқса, оналикни муҳофаза қилиш соҳасида бу жиҳатни яққол кузатиш мумкин. Айрим аёлларнинг тасдиқлашича, улардан шифокорларнинг талабларига кўнмай стационар даволанишни рад этганликлари далолатнома тарзида қайд этилган. Шундай бўлса-да, беморнинг розилигини олиш тартиботи мамлакатимизда ҳозирча тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун бу модель тиббиёт хизматидан фойдаланувчи оддий кишилар орасида баъзан англашилмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу эса тиббиёт амалиётини ҳуқуқий жиҳатдан регламентлашга бўлган талаб жуда катталигидан далолатдир. Зеро, имкон қадар батафсил регламентлаш шифокорга ҳам, бемор ва унинг яқинларига ҳам жуда фойдалидир. Масалан, болалар юқумли касалликлари қанчалик жиддий муаммо эканини ҳамма яхши билади. Шунга қарамай, жуда кўп ҳолларда карантин муддатлари ва шарт-шароитига риоя этишга ота-оналарнинг сабри чидамайди. Агар улар ўз зиммаларига мажбурият юкловчи муайян ҳужжатларни имзоласа ва қўлларида боланинг саломатлиги тўлиқ тикланганлиги тўғрисида шифокор берган маълумотнома бўлмаса, фарзандлари болалар муассасаларига қабул қилинмаслиги хусусида қатъий огоҳлантирилса, дарддан тўла-тўкис фориғ бўлмаган болани боғча ёки мактабга жўнатиш ўрнига карантиннинг барча шарт-шароитига риоя этишга масъулият билан ёндашиши турган гап. Қолаверса, тиббиёт одоби бошқалардан фарқланадиган алоҳида одоб эмас. Кишилик жамиятига хос одобда мавжуд бўлган дунёқарашлар, муносабатлар, назариялар, далил-асослар, низо ва тортишувларнинг ҳаммаси тиббиёт одобига ҳам тааллуқли.

Инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш ҳамиша тиббиётнинг асосий қоидаси бўлган ва шундай бўлиб қолади. Қувонарлиси шуки, бу қоида борган сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Олигофрения билан оғриган беморнинг ҳам, генияга чалинган одамнинг ҳам ҳаёти бирдек қадрли. Улар ҳаётнинг турли объектив вазиятларига дуч келган бўлса-да, тўлақонли яшаш, жумладан, тиббиёт хизматидан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга. Инсоният ночорларга кўмак бериб, уларнинг ҳаётини узайтириб ва айни шу орқали ўзининг ҳам ҳаётини узайтириб яшашга ўрганган. Шу ўринда қуйидаги қизиқарли мисолни келтириб ўтиш ўринлидир. 1970 йилларда АҚШ жамоатчилигида тутқаноқ, оғир шизофрен дардига мубтало бўлганларни оғриқсиз стерилизация қилиш керакми-йўқми, уларга бола кўриш имкониятини бериш лозимми, ёки аксинчами, деган масала муҳокама этилди. Олимлар томонидан инсоният тарихидаги буюк шахсларнинг ирсиятини ўрганиш кутилмаган далилни ошкор этди: уларнинг уруғида бобокалонлари менталь оғишларга эга бўлган экан. Бундай оғишлар эса келгусида даҳо пайдо бўлиши учун зарур. Ана шундан кейин АҚШ жамоатчилиги нафақат инсонпарварлик ахлоқ нуқтаи назаридан, балки кўпроқ прагматик мулоҳазалардан келиб чиқиб, стерилизация қилиш ғоясини рад этди. Хулоса шуки, табиат илоҳий бир бутунликда яралган яхлит тизимдан иборат. Инсон ана шу тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса инсон билан боғлиқ ҳар қандай муносабатда оқиллик билан етти ўлчаб бир кесиш тамойилига амал қилишни тақозо этади.

**Ф. ЗАГИРТДИНОВА,**
**фалсафа фанлари номзоди**

Huquqiy ma`rifat

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қайси мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти кучли, ўз қонуний асосига эга бўлса, ўша мамлакат ривожланиш сари юз тутганини кўрамиз. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда илм-фан, ижодий фаолиятнинг барча турлари ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Фуқаролик Кодекси ва бир қанча қонунларда интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди.

Энди интеллектуал мулк ҳуқуқи нима, деган саволга жавоб изласак. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, мулкий ва қатор номулкий муносабатлар мажмуини қамраб олади. Худди шу сабабли ҳам улар ўз табиатига кўра, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ҳисобланади ва фуқароликка оид ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари уларга нисбатан ҳам тааллуқли бўлади. Одатда, умумий қоида бўйича ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари деганда, бузилган ёки низо қилинаётган ҳуқуқларни тиклаш (тан олдириш, эътироф этиш) ва ҳуқуқбузарга таъсир кўрсатиш воситаси бўлган мажбурий тусдаги ҳуқуқий чоралар тушунилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ўз таркиби бўйича, умумий (универсал) ва махсус усулларга бўлинади. Умумий усуллар Фуқаролик Кодексининг 11-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, фуқаролик ҳуқуқлари — ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги натижаларини қўллаш, давлат идораси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши, бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш, зарарни тўлаш, устама ҳақи ундириш, маънавий зиённи қоплаш, ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш, давлат идораси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги каби йўллар билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя этилиши мумкин. Албатта, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда мазкур усулларнинг ҳаммаси бир хил равишда қўлланилмайди.

Айни пайтда бу усулларнинг қайси бирини қўллаш интеллектуал мулк объекти муаллифи ёки мутлақ ҳуқуқ соҳибининг шахсий ёки мулкий ҳуқуқи бузилганига ҳам боғлиқ бўлади. Суд амалиётида мулкий ҳуқуқлар бузилганда, асосан зарарни тўлаш, устама ундириш кўпроқ қўлланилса, шахсий ҳуқуқлар бузилганда эса, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқни тиклаш ва маънавий зарар ундириш усуллари кенг қўлланилади.

Фуқаролик Кодексида интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг махсус усуллари ҳам баён этилган.

Қонунга асосан интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, шунингдек, мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар таъсирида бузилган бўлса, ушбу моддий объектлар ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Масалан, бадиий филмга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасидан берухсат ёзиб олинган ва тижорат мақсадида кўпайтириб тарқатиш учун тайёрланган видеокассеталар йўқ қилиниб ташланмоғи лозим. Йўқ қилиб юбориш ҳаракатлари ҳуқуқбузар зиммасига юклатилади. Шунингдек, интеллектуал мулк объектларига нисбатан йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали ҳам интеллектуал мулк ҳимоя қилинади.

Ҳозирги даврда ички бозорда ҳам, дунё бозорида ҳам интеллектуал мулк объектларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бугунги кунда ҳаётимизни турли илмий-бадиий асарлар, аудио, видео кассеталар, компьютер дастурлари ва шу кабиларсиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларини ҳимоя қилиш моддий-ашёвий мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қараганда мураккаброқ. Чунки интеллектуал мулк объектлари ғоявий негизга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида кўпчилик субъектлар томонидан фойдаланилиш мумкин. Бошқача айтганда, ҳуқуқ эгаси ҳар доим ҳам ўзига тегишли объектдан бошқалар қандай фойдалана олаётганини назорат қила олмайди ва ҳатто баъзан бу объектдан бошқа шахслар қонунсиз фойдаланаётганидан хабарсиз қолади. Бундай “маданий қароқчиликка” қарши кураш ҳозирда энг кескин муаммолардан бири ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари жуда кўп бўлиб, уларнинг доираси тобора кенгайиб ва такомиллашиб бормоқда. Кўпгина хорижий мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилганда, ҳуқуқбузардан етказилган моддий зарарни ундириш билан бирга ҳуқуқбузар томонидан олинган фойдани олиб қўйиш, тавон (компенсация) тўлатиш усуллари ҳам қўлланилмоқда.

**Баҳодир РЕЙИМБОЕВ,**
**тадқиқотчи**



*Юрт манзаралари*

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

# НИКОҲДАН АЖРАТИЛГАНДА ФАМИЛИЯ МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Ҳаётимизда бахтли-саодатли оилалар билан бир қаторда турли сабаблар билан (масалан, эр-хотиндан бирининг доимий равишда спиртли ичимлик ичиб, жанжал чиқариши, хиёнат қилиш, фарзандсизлик, қариндошлар, айниқса, қайнона-келин мажоролари, узоқ муддат бирга яшамаслик; эр-хотиндан бирининг касаллиги ва ҳоказолар) ажрашиб кетаётган жуфтликлар ҳам, афсуски, туради.

Никоҳдан ажратилганда эр ёки хотин бир фамилияни танлашган бўлса, оила кодексининг 46моддасига мувофқи, хоҳласалар ўша фамиялида қолиши, хоҳласа ўз фамиялиларини қайтариб олишлари мумкин.

Никоҳдан ажратилаётганда, эр-хотин никоҳга кириш вақтида фамилия танлашда эркин ҳуқуқга эга бўлгани сингари ажратилгач ҳам, шу фамилияда қолиш масаласини мустақил ҳал этади. Никоҳдан ажратилишда фамилия масаласини ҳал этиш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

Ҳатто фамилияни никоҳ тузиш вақтида умумий фамилия қилиб олган эр ёки хотин ҳам никоҳдан ажратилгандан кейин унинг фамилиясини қабул қилган эр ёки хотиндан никоҳгача бўлган фамилиясига қайтишни талаб этаолмайди. Фамилияга бўлган ҳуқуқ эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқи бўлиб, уни ўзгартириш фақат фамилия эгасининг ихтиёри билан амалга оширилади.

Суд ўз ҳал қилув қарорида эр-хотинннинг никоҳдан ажартилгандан кейин никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиш масаласини никоҳдан ажралиш масаласини ҳал қилаётганда аниқ кўрсатмоғи лозим. Чунки ФҲДЁ идоралари ходимлари суд қарори асосида никоҳланувчиларнинг никоҳлари тузилган далолатнома ёзувчига никоҳнинг бекор бўлгани ҳақидаги маълумотни киритиш жараёнида фамилияга тегишли бўлган ёзувни ҳам ёзиб қўяди.

Агар никоҳдан ажартиш масаласи ФҲДЁ органи томонидан ўрганилаётган бўлса, эр-хотиннинг аризасига мувофиқ фамилияни ўзгартириш ҳам ФҲДЁ органи томонидан ҳал этилади.

Ajab savdolar

# ҚАРЗ ҚИЁМАТГА ҚОЛМАЙДИ

Айтайлик, сиз қарз сўраб келган таниш ёки қариндошингизнинг «қарзни фалон куни албатта, ўзим олиб келиб бераман», деган лафзига ишониб, қарз берсангиз, у инсофли, имонли, энг асосийси, сўзида турадиган киши бўлса, пулингизга куйиб қолмайсиз. Аксинча, бундай пайтда ишончингиз янада ортади. Савоб иш қилдим, дея мамнун бўласиз.

Аммо бунинг акси бўлса-чи?! Табиийки, бундай ҳолатда ҳам берган пулингизга куйиб қоласиз, ҳам ишончингизга дарз кетади.

Банк ҳам худди шундай. Яъни мижозга кредит бериб, белгиланган вақтда қайтариб олса, икки ўрта мустаҳкам ишонч пайдо бўлади. Лекин кредитни олишга олиб, вақтида қайтармаган, бошқача айтганда, фаолиятини тўхтатиб, ўзи аллақаёққа ғойиб бўлган сохта тадбиркорлар ҳам ҳаётда учраб туради. Агар бундай лафзсиз мижозларнинг сони кўп бўлса, ҳатто банк ҳам синиб кетиши ҳеч гап эмас. Энг ёмони, бундай талон-тарожликнинг бошида банк бошқарувидаги масъул ходимлар турса, буни қандай изоҳлашни ҳам билмайсан киши.

Гап шундаки, бундан беш-олти йил муқаддам Термиз шаҳрида «Асакабанк» биноси қурилаяпти, деган хабар пайдо бўлган эди. Аммо Термиздан олдинроқ Ангор туманида «Асакабанк»нинг филиали биноси қурилиши жадал олиб борилиб, кўп ўтмай фойдаланишга топширилди.

Энг қизиғи, филиал сифатида фаолият кўрсатаётган Ангор туман «Асакабанк» филиалига бевосита марказий “Асакабанк”ка бўйсунадиган, ҳисоботни ҳам пойтахтга топширадиган даражада имконият берилган эди. Натижада банкнинг собиқ бошқарувчиси Н. Қаландаров, кредит бўлими бошлиғи Эдуард Нормўминовнинг қинғирликлари туфайли “Фаридабону”, “Алмаз”, “Валерий”, “Шерзод”, “Истиқлол”, “Шодиёр”, “Меркурий”, “Хўжабўлғон” сингари кўплаб хусусий фирма ва хўжалик юритувчи субъектларга 125 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Аммо берилган кредитни ўз вақтида қайтариб олиш имконияти бўлмагани сабабли «Асакабанк»нинг Ангор филиали фаолияти бутунлай тўхтаб қолди.

Албатта, бунинг ўзига хос бир неча сабаблари бор. Гап шундаки, “Асакабанк”нинг Ангор туман филиалида кредит бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Эдуард Нормўминовнинг нафси ҳакалак отиб кетди. Энг аввало, у ўзининг қинғир ниятини амалга ошириш учун шерик излади. Излаб-излаб топди ҳам. Кўр-кўрни қоронғида топади деганларидек, Алишер Қамбаров, Абдусалом Жумаев, Мақсуда Бобоевалар билан у бир пасда опоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Буларнинг орасида Алишер Қамбаров Термиз шаҳридаги “Минал” хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси, кейинроқ “Қаҳрамон” масъулияти чекланган жамият бошлиғи, 2001 йил 2 апрел кунидан бошлаб эса “Бахт” масъулияти чекланган жамиятда раҳбар вазифасини бажарган. Қолган “қаҳрамонларимиз”ни эса йўл-йўлакай таништириб борамиз.

Шу йилнинг июл ойида Термиз шаҳар прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноий иш ўрганилганда, банкдан олинган кредитларнинг ўзгалар номига очилган фирмаларга ўтказилиб, қаллобликка йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, Алишер Қамбаров ўзининг турмуш ўртоғи Лола Қамбарова номига Термиз шаҳар ҳокимининг 132-сонли қарори билан хусусий фирма ташкил этган. Аммо барча ҳужжатлар, ҳатто имзо чекишлар ҳам Алишер Қамбаров томонидан амалга оширилган. Энг ёмони, у “Асакабанк”-нинг Ангор туман филиали бошлиғи ўринбосари Эдуард Нормўминов билан ўзаро тил бириктириб, мулкий манфаат кўриш ниятида банкдан кредит олиб, сохта ҳужжатлар тузиб, ўзгалар мулкини ўзлаштириб, талон-тарож қилишган. Алишер Қамбаров ўз жиноий шериги Эдуард Нормўминовнинг кўрсатмаси бўйича тегишли жойларга пул кўчириб, аслида мавжуд бўлмаган маҳсулотни гўё «олинди» қилиб, сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан расмийлаштириб борган. Банкдан кўп миқдорда кредит олишда эса Эдуард Нормўминов бевосита раҳбарлик қилган. Иккинчи томондан, А. Қамбаров “Минал” хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг рўйхатдан ўтказиш билан, яъни 2000 йил 17 январда «Асакабанк»нинг Ангор туман филиалига савдо-сотиқ, чорвачиликни ривожлантириш учун 10 миллион сўм миқдорида кредит беришни сўраб мурожаат қилган. Эртасигаёқ унинг мурожаати банкнинг масъул ходими Э. Номўминов раҳбарлигида инобатга олинган ва зудлик билан унга 10 миллион сўмлик кредит берилган. Буни қарангки, бу кредитнинг 4 миллион 400 минг сўми ем-озуқа учун Сурхондарё дон маҳсулотлари корхонаси, 1 миллион 200 минг сўми “шлакаблок” олиш учун “Хотира” хусусий фирмаси, электр товарлари учун 1 миллион 400 минг сўм “Термиз савдо” корхонаси, 1 миллион сўм эса широт олиш учун “Сурхонозиқовқат” корхонаси ҳисоб рақамларига ўтказилиб юборилган. Шундай қилиб, фирманинг 18 январ куни банкдан олган 10 миллион сўмлик кредити ўша куннинг ўзида баён этилган корхоналарга ўтказилиб, сохта ҳужжатлар билан гўё барча маҳсулотлар «олинди» қилинганича, фирма ҳисоботига қўшиб юборилган. Энг ачинарлиси, бундай қаллобликнинг кўлами кун сайин ошиб бораверган.

Эдуард Нормўминов Абдусалом Жумаев ва Мақсуда Бобоевалар билан ҳам ўзаро тил бириктириб, “Бахт” МЧЖга кредит маблағи олишган. Бу маблағни Мақсуда Бобоева раҳбарлигидаги якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркор орқали “Минал” фирмаси ҳисоб рақамига туширишган. А. Қамбаров ҳам аслида мавжуд бўлмаган маҳсулотларни «олди» қилиб расмийлаштиришган. Э. Нормўминов эса бу ишларни амалга ошириш, фирманинг кредит олишида бош-қош бўлган. Уларнинг қилмишлари оқибатида 6 ҳолатда жами 7 миллион 954 минг сўмлик маблағ қалбаки ҳужжатлар асосида талон-тарож қилиб юборилган. Бундай қинғирликлар яна давом этирилган. “Минал” хусусий фирмаси ҳисобида мавжуд бўлган маблағ 6 ҳолатда 3 миллион 445 минг сўм пул маблағлари турли корхоналарга кўчирилиб, маҳсулотлар «олинди», дея қалбаки ҳужжат асосида ҳисоботга қўшиб юборилган.

Бу дунёда ҳар бир нарсанинг ҳам чек-чегараси бор. А. Қамбаров ўзи раҳбарлик қилган “Минал” фирмасига олган кредитни белгиланган вақтда қайтариш имкониятига эга бўлмаганлиги боис яна бир қинғирликка қўл уради. У тезлик билан янги фирма очиш пайига тушади. 2000 йил 15 феврал куни у онаси Хадича Абдуллаева номига “Қаҳрамон” МЧЖ фирмасини ташкил этади. Унинг барча ҳужжатларини эса Алишернинг ўзи юритади. Ва банкдаги ҳомийси Э. Нормўминов кўмагида онаси номига очилган янги фирмага 2000 йил 28 апрел куни 10 миллион сўмлик кредит олади. Унинг 5 миллион сўмини 1-шартномага асосан “Минал” ХСИЧ фирмаси (аслида уни ҳам А. Қамбаров бошқарган), 2 миллион 500 минг сўми омухта ем олиш учун “Меҳнат-Роҳат” корхонаси, қолган 2 миллион 500 минг сўми хўжалик ва электр товарлари олиш учун “Жўрабек” хусусий фирмаси ҳисоб рақамларига ўтказилади. 2 миллион 500 минг сўмга олинган омухта ем, гарчи расмийлаштирилган бўлса-да, қолган 7 миллион 500 минг сўми турли фирмалар ҳисоб рақамларига ўтказилиб, сохта ҳужжатлар орқали ўзлаштирилиб юборилган. Сохта тадбиркор Алишер Қамбаровнинг жамоат манфаатларига жами 12 миллион 783 минг сўмлик моддий зарар етказилганлиги терговда давомида аниқланди.

Термиз шаҳридаги “Хатир” хусусий фирмаси бошлиғи Максим Мелибоев ҳам қинғирликда Алишердан қолишмас экан. 2000 йилнинг 28 - январ куни у ўзи раҳбарлик қилаётган “Хатир” фирмаси ҳисоб рақамига “Асакабанк”нинг Ангор туман филиалидан қурилиш материаллари сотиб олиш учун 10 миллион сўмлик кредит олишга муваффақ бўлди. Қарзни-ку дадил олди, аммо уни қайтариш муддати 2001 йил 20 январ эканлигини унутиб қўйди. Бунинг устига у олинган кредит маблағларни “Омад”, “Сурхон” савдо, “Бахтар-Т” ҳиссадорлик жамияти, “Термиз савдо” фирма ва корхоналарига ўтказилиб, талон-тарож қилган. Термиз шаҳар прокуратураси томонидан олиб борилган суриштирув ишларида “Хатир” хусусий фирмаси бошлиғи Максим Мелибоев ҳанузгача банкдан олинган кредитни тўламаганлиги аниқланди. Бу билан у “Асакабанк”ка катта миқдорда моддий зарар етказган.

Қарзни қиёматда ҳам сўрашади, дейдилар. Кредит олиб, уни ўз вақтида қайтармаслик ҳам давлатдан қарздорлик ҳисобланади. Шу боис, банк маблағини талон-тарож қилганлар қонун асосида жазоланишди. Лекин шу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳати кишини ўйлантириб қўяди: ана шунча миқдордаги маблағ эзгу ишларга сарфланганда эди, кўпларга нафи теккан, мақоламиз «қаҳрамонлари» ҳам эл дуосини олган бўлишарди. Афсуски, нафс балосига учраганлар халқни ҳам, қонунни ҳам алдашмоқчи бўлишди. Бу билан ўзларининг юзини қаро қилишди.

Ҳа, дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бордир.

**Самижон ОМОННИЁЗОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# “КАРОЛИНА” ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

Jahon tajribasi



Жиноят ҳуқуқи тармоғи Германия феодал давлати қонунчилигида муҳим ўрин эгаллайдиган ҳуқуқ соҳаларидан бири саналади. Бу соҳанинг ривожланишида Германия империясида 300 йил мобайнида ўзининг тартиб-қоидалари билан машҳур бўлган “Каролина” жиноят кодекси алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур кодекс 1532 йилда император Карлнинг топшириғи билан тузилган бўлиб, у жиноят ҳуқуқи ва жиноят судлов жараёни ҳамда ундаги ҳуқуқ меъёрларини ўз ичига оладиган жиноий-ҳуқуқий ёдгорлик ҳисобланади.

“Каролина” кодекси муқаддима ва қонун матнидан иборат бўлиб, 219 та моддани ўз ичига олади. Мазкур кодекснинг охирида моддалардан фойдаланиш осон ва соддароқ бўлиши учун рўйхат-реестри берилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Кодекснинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг кўпроқ судлов жараёнига бағишланганига гувоҳ бўламиз. Яна шуни айтиш ўринлики, кодекснинг 142 та моддаси жиноят процессуал, 78 та моддаси эса жиноят ҳуқуқи меъёрларидан иборатдир.

Қизиқарли томони шундаки, ўша пайтда синфий курашнинг таъсири мавжуд бўлгани боис мазкур кодексга мувофиқ жазо қўллашдан кўзланган асосий мақсад фақатгина қўрқитишдан иборат бўлган.

Албатта, бу кодексни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам кўп рад этишлар, мунозарали масала ва баҳслар бўлиб ўтган. Жумладан, ягона кодекс ишлаб чиқиш масаласи 1498 йил Фейбург сеймида, 1527 йил Ворм, 1524 йил Нюренберг рейхстагида муҳокама этилиб, бу масала кескин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган.

Аммо 1532 йилда кодекс матнига «Биз курфюристлар, князлар ҳамда табақаларни ҳуқуқий одатларига кўра, мерос қилиб олган туб ҳуқуқларидан маҳрум қилмаймиз», — деган меъёр киритилгач, Регенсбург рейхстаги, яъни қонунчилик мажлиси “Каролина” кодексини тасдиқлайди.

Кодекснинг кириш қисмида Венгрия, Австрия, Сардиния, Фландрия, Бургундия, Иерусалим давлатлари ва бошқа ҳудудларнинг Германия давлати таркибида эканлиги ҳамда улар “Герман миллатининг қутлуғ Рим империяси” деб аталиши ҳақида сўз юритилади. “Каролина” жиноят қонунчилигининг қонун матнларида содир қилинган турли хил жиноятлар учун жавобгарлик масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилади. Жумладан, ўғирлик жинояти уч турга бўлиниб, улар қуйидагилардир:

а) синдириш билан боғлиқ ўғирлик содир қилинганда, эркак киши осиб ўлдириш, аёл киши чўктириб ўлдириш билан жазоланган ёки улар суд жараёни чиқарган ҳукмга асосан бир кўзини чиқариш ёхуд бир қўлини кесиш билан алмаштирилган;

б) агар бир киши икки марта ўғирлик жинояти содир қилса ва бу жиноят майда ўғирликдан иборат бўлса, у уят устунига боғлаб қўйиш ёки мамлакатдан қувғин қилиш билан жазоланган;

в) бир киши уч марта ўғирлик жинояти содир қилганда эса, эркак кишини осиб ўлдириш, аёл кишини чўктириб ўлдириш билан жазолашган.

Турли майда ўғирликлар бирор киши томонидан биринчи марта содир қилинган бўлса, ундан жарима ундириш белгиланган.

Қалбаки пул ясаш ҳам Германия давлатида энг оғир жиноят ҳисобланиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд: тангага тегишли бўлмаган қийматини зарб этиш; унга тегишли бўлмаган метални қўшиш; танганинг оғирлигини қасддан камайтириш.

Шунингдек, мазкур кодексда оилага қарши жинсий дахлсизлик, диний жиноятлар учун ҳам турли меъёрлар мавжуд. Мисол учун айтадиган бўлсак, номусга тегиш жиноятини содир қилганларга нисбатан қилич билан қатл этиш жазоси қўлланилган. Эри ёки хотинига хиёнат қилиш, аёл томонидан ўз боласини ўлдириш ҳам оғир жиноятлар қаторига киритилиб, бу ҳаракатни содир қилганлар тириклайин кўмилиб, устидан қозиқ қоқиш билан жазоланишган.

Бундан ташқари, айрим кишиларнинг нотабиий интим муносабатда бўлиши ҳам оғир жиноят ҳисобланиб, улар тириклайин ёқиб юбориш билан жазоланишган.

Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларга жазо тайинлашда эса, шароитга қараб баъзи енгилликлар берилган.

“Каролина” кодексининг энг муҳим қисмларидан бири судлов жараёни ҳисобланиб, у суд муҳокамасида умумий ва махсус терговга бўлинган.

Бунда умумий терговнинг вазифаси — жиноятни аниқлаш бўлса, махсус терговнинг вазифаси — гумондор ва жиноят процесси иштирокчиларини сўроқ қилиш, азоблаш усулларини қўллаш билан фош қилишдир. Судлов жараёнидаги ҳукм эса ўз навбатида айблаш, оқлаш, гумондор қилиб қолдириш каби шаклларда чиқарилган.

Айтиш жоизки, “Каролина” жиноят кодекси бугунги кунда умумгерман ягона кодекси ҳисобланади. Ҳатто мазкур кодексдан Россия императори Петр I ҳам ўз даврида “Ҳарбий артикллар”ни тузишда фойдаланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Каролина” жиноят кодекси бир қанча давлатларнинг жиноят ва судлов ишларини юритиши учун ўзига хос манба бўлиб хизмат қилди.

**Саломат НИЁЗОВА**

Qonun va biz

# ИЖРО

## УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб бера оладиган суд тизими шаклланмоқда.

Маълумки, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд қарорларининг вақтида сифатли ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги тизимида махсус Департамент ташкил этилган эди. Бугунги кунда департамент судларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, суд ижрочилари ишини ташкил этиш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашда талай ишларни амалга ошираётир.

**"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун мазкур соҳа ходимларини ўз вазифаларига жиддий ёндашишга даъват этди. Қонун асосида суд ижрочилари фаолияти ташкил этилганига ҳам қарийб ярим йилдан ортиқ вақт ўтди. Мана шу давр мобайнида қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши, яъни ижро самарадорлигини ошириб бориш — давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаатларини ҳимоялашда эътиборга молик ишлар қилинди. Хусусан, мажбурий ижро билан боғлиқ фаолият механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича, суд ижрочилари иш юритувидаги 52 миллиард 996 миллион сўмни ундириш тўғрисидаги 250 мингдан зиёд ижро ҳужжатлари бўйича олиб борилган ҳаракатлар натижасида 30 миллиард сўмга яқин маблағ ундирилди.

Таъкидлаш жоизки, ижрочилар томонидан ўтган йил давомида давлат фойдасига жами 711 миллион сўм ундирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида шу йўналишда ундирилган маблағлар 747 миллион сўмдан ошди.

Суд ижрочилари иш юритувига мажбурий тартибда ижро этиш учун келиб тушаётган ижро ҳужжатлари сони ва хили ошиб бораётган бир вақтда, юқоридаги каби кўрсаткичларга эришиш учун Департамент ходимлари ва суд ижрочиларидан тинимсиз меҳнат, билим ҳамда касб маҳорати талаб этилади. Шу боисдан ходимлар малакасини ошириб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий бўлимлари ходимлари ҳамда суд ижрочилари иштирокида минтақавий семинар машғулотлари ташкил этилди, жойларда суд ижрочиларига қонунни амалда қўллаш, касб маҳоратларини ошириб бориш бўйича ўқув машғулотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу эса ижро самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан саналади.

Фаолиятимиз асосини ташкил этувчи қонуннинг 82-моддасида ижро ҳужжати талабини ихтиёрий равишда бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи белгиланганидек ҳамда мажбурий ижро чораларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилгани кўпгина ижро ҳужжатларининг белгиланган муддатда тўлиқ бажарилишини таъминламоқда. Катта миқдордаги қарз маблағларини ундириш ўз вақтида ва сифатли адо этилаётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида 28 минг 665 та ҳужжат ижроси шу тарзда якунланди. Мисол учун, "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компаниясидан Фарғона вилояти «Асакабанк» бўлими фойдасига 35,7 миллион сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати иш қўзғатиш тўғрисидаги қарор тақдим этилган куниёқ тўланиб, суд қарори ижроси тўлиқ бажарилди.

Баъзи ҳолларда, ижро иши қарздор корхонанинг мол-мулклари рўйхатга олингандан кейин амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Мирobod тумани суд ижрочилари бўлинмаси иш юритувига АПСО "Сифат" корхонасидан "Алес-Полемаст" корхонаси фойдасига 8,8 миллион сўм қарзни ундириш тўғрисида 2002 йил 18 апрелда келиб тушган ижро ҳужжати бўйича қарз маблағи қарздорнинг мол-мулклари рўйхатга олинганидан кейин тўлаб берилган.

Қонун талабларини била туриб, ижро ҳужжатларини белгиланган муддатларда бажармаётганлар ҳам учрамоқда. Уларга нисбатан қонуний асосда жарима солиниб, асосий қарз ҳамда жарима маблағлари ундириб олинмоқда. Қонун амалга киритилгандан бери ана шундай ҳолатлар бўйича 837 нафар жисмоний ва мансабдор шахсларга нисбатан 10,3 миллион сўм миқдорида жарима солинган.

Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, фаолиятимизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Таҳлиллар республика бўйича суд ижрочилар иш юритувига келиб тушаётган ижро ҳужжатлари сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Лекин суд ижрочилари штат бирлиги кейинги йилларда ўзгармасдан қолаётир. Масалан, 1997 йилнинг 6 ойи давомида суд ижрочилари иш юритувига 125 минг 133 та ижро ҳужжати келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 6 ойида 250 минг 306 тани ташкил этди. Яъни ижро ҳужжатлари сони икки баробарга кўпайган. Бу ўз навбатида ижро жараёнининг ўз вақтида сифатли олиб борилишини мураккаблаштиради. Шунинг учун қарор ижроси билан кучлилигини ҳисобга олиб, ижрочилар сафи кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, суд ижрочилари зиммасига кўпгина процессуал ҳужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва жўнатиш билан боғлиқ вазифалар ҳам юклатилган. Бўлинмаларимизда девонхона, иш юритувчи штат бирликлари назарда тутилмагани боис муайян қийинчиликлар туғилмоқда.

Бугунги кунда суд ижрочилари бўлинмалари жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари биноларида жойлаштирилган, эски жиҳозлар билан таъминланган. Уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур техник жиҳозлар етишмайди. Бу ҳолат қўшимча молиялаштиришни талаб этмоқда.

Суд ижрочиси томонидан ҳар бир ижро ҳужжати бевосита тегишли манзилга бориб амалга оширилишини эътиборга оладиган бўлсак, ҳудуди катта бўлган туман суд ижрочиларини автотранспорт воситалари билан таъминлаш лозимки, бу муаммони ҳал қилиш учун қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Департаментда жамғарма тузиш зарурати туғилади. Шу муносабат билан Департамент томонидан "Ижро ишини юритишни ривожлантириш" жамғармасини тузиш тўғрисида таклифлар берилган. Жамғарманинг тузилиши суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш, уларни зарур иш жиҳозлари ва моддий-техника билан қўшимча таъминлаш имкониятини яратади. Бу эса ижро самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Баҳодир ЯНГИБОЕВ,**
**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти директори ўринбосари**

Mushohada

# ЯШАШ УЧУН ЯРАЛГАН ДУНЁ

Маълумотларга қараганда тимсоҳ 200-300 йил, кит 300-400 йил яшар экан. Коинот гултожи деб таърифланувчи бўлган инсон-чи? У неча йил умр кечиради? Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, тарихий манбаларда турк аёли Фотимахоним 164 йил, шотландиялик балиқчи Генри Жейкинс 169 йил, венгриялик Янош Ровен 172 йил яшагани қайд этилган.

152 йил умр кўрган инглиз Томас Парр ўз ҳаёти давомида ўнта қироликни бошидан кечирган, 120 ёшида иккинчи бор никоҳдан ўтиб, ўғиллик бўлган экан. Озарбайжонлик Маҳмуд Айвазов 157 ёшга кирган. Унинг юртдоши Шерали Муслимов 163 ёшида катта саёҳатга отланган. Абхазиялик Аршгири Хазитов ва Тепсе Абзиевлар 180 йилдан умр кўрганлар.

Имморотология — ўлимни инкор этувчи фан олимларининг фикрича, инсон ҳеч қандай қийинчиликсиз ўн аср яшаши мумкин экан. Улуғ аллома бобомиз Абу Али ибн Сино «агар дунёда чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил умр кўради», деб таъкидлаган эди.

### БИРИНЧИ ВОҚЕА

Йигит Дилдорнинг нақ кўнглидагидек эди. Чиройли юз, жингалак соч, худди ҳинд кинофильмларининг қаҳрамонларига ўхшайди. Икки соат давом этган тўйда Дилдорни бирор лаҳза зериктирмади-я... Дилдорнинг ўзи кулавериб-кулавериб ичаги узилаёзганди. Олдин ҳеч бунақа йигитни учратмовди.

Тўй охирида иккови учрашишга келишишди. Бу гал улар пинҳона учрашдилар. Яна ўша дилтортар гаплар... Фаррух Дилдорни бағрига босиб, юзидан, сочларидан силади.

Кейинги кунлар яна учрашишди. Яна, яна... Фарруҳ Дилдорга уйланмоқчи эканини айтди.

Кунларнинг бирида... машъум воқеа содир бўлди. Дилдор олдинига ҳеч нимани ўйламади. Аммо вақт ўтган сари Фарруҳнинг ундан ўзини олиб қочаётганлиги сеза бошлади. Устига устак, ҳомилаям билинай деб қолаяпти. "Наҳотки?.."

Келгуси сафар учрашганларида, Дилдор эзилиб йиғлади. Тезроқ тўй қилишини сўради.

— Албатта, жоним, — дея Фарруҳ ширин сўзлар билан Дилдорга ваъда берди. Бир ойга қўшни вилоятга ишга кетаётганлигини, келиши билан тўй бошлашини айтди. Бироқ... бироқ йигит шундан кейин қайта қорасини кўрсатмади.

...Дилдор енгил кийинди-да, эҳтиёткорлик билан ташқарига чиқди. Тун. Атроф зим-зиё. Вужуди ўт бўлиб ёна бошлади. Қалтирай-қалтирай, олдинга интилди. Мана, молхона... Оқшом ўзи ҳозирлаб қўйган солярка тўла идишни қўлига олди. Даст кўтарди-да, бошига, елкасига, бутун танасига қуйди.

— Онажон... мени кечиринг... Енгилтаклик қилдим. Айб ўзимда. Афсус, ақлим кеч кирди... Кечиринг, укаларим... — деди-ю, девор ёриғига қўйган гугурт қутисини пайпаслаб излаб топди...

Эртасига туман марказий касалхонасида Дилдорнинг жони узилди...

### ИККИНЧИ ВОҚЕА

Ғўзага ишлов бериш палласи... Ҳайдар тракторини тариллатиб, Моҳираларнинг пахта майдонига етиб келди. Трактордан тушиб, Моҳира билан илиқ саломлашди. Қизи қўшни майдондаги босма қудуқдан сув олиб келишга кетгани боис Моҳира далада ёлғиз эди. Ҳайдар пайтдан фойдаланиб, кўпдан бери кўнглига тугиб юрган ниятини ошкор этди.

— Моҳира, — деди юмшоқ оҳангда, — сенга битта гап айтсам, хафа бўлмайсанми?

Кўнглида ҳеч қанақа ёмонликка бормаган Моҳира ҳайрон бўлди.

— Айтаверинг... Нега хафа бўлай?.. — деди оққўнгиллик билан.

— Биласанми, — дея давом этди Ҳайдар қувлик билан, — сенга бу гапни кўпдан бери айтмоқчи бўлиб юргандим. Лекин хафа бўлма. Биласан, менинг хотиним касалманд. Сенинг эринг бўлса, кўп вақтини хизмат сафарида ўтказади. Кел, умримизни бекорга ўтказмайлик.

Моҳира чўчиб тушди:

— Нималар деяпсиз? Эсингизни еб қўйибсиз. Фарзандларингиз бор, эл-юрт бор.

Ҳайдар бўш келмади. Ҳазил-чин гаплар билан Моҳирани аврашга ўтди. Қизи келгунча, унинг юрагига ўт қалаб қўйди.

Дастлабки кунларда руйхўшлик бермаган Моҳира кейинчалик иккилана бошлади: Чиндан ҳам, ёшлиги бекорга ўтмаяптими? Севишиб турмуш қуришмаган бўлса... Қолаверса, Ҳайдар — дадил йигит. Йигит дегани шундай бўлса-да...

Хуллас, далада, ўнғайи бўлганда, Моҳираларникида учрашиб турдилар. Бу орада Ҳайдарнинг хотини вафот этиб, иккаласи бутунлай боғланиб қолдилар.

Дунёда ҳар нарсанинг аввали ва охири бор. Ҳар бир ишда меъёрдан четга чиқилдими, ишнинг чуви чиқади. Шу тариқа Ҳайдар билан Моҳира ўртасидаги муносабатлар ҳам эл орасида миш-мишларга сабаб бўлди.

Вақт келиб, Моҳира ва Ҳайдар воқеаси қишлоқ оқсоқоллари, яқин қариндошлар ўртасида муҳокама қилинди.

— Бундай воқеа бизнинг элатда шу пайтга қадар содир бўлмаган, — деди овул катхудоси. — Бундай нонкўр, бузғунчиларга қишлоғимизда ўрин йўқ. Нима дейсизлар? — дея у мажлис аҳлига юзланди.

— Маъқул, маъқул. Чиқиб кетсин! — дейишди тўпланганлар.

Моҳира шу куни зулмат қўйнида кичик ўғилчасини етаклаб, отасиникига йўл олди. Тонг ёришар паллада қишлоқ бўйлаб Ҳайдарнинг ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабар тарқалди...

Ҳеч қачон яшашдан тўйиб бўладими?

### УЧИНЧИ ВОҚЕА

Эшикнинг қаттиқ урилиши Ҳилолани чўчитиб юборди. Шошиб ўрнидан қўзғалди. Афтидан, эри бўлса керак, энди эшикни тепа бошлади.

— Ким? — дея ҳадиксираб овоз чиқазди Ҳилола.

— Энанг! — деган қичқириқ эшитилди. — Оч! Ҳе, онангни! Нимага очиб қўймайсан?..

Ҳилолани титроқ босди. Ботир масталаст, ичкарига қадам босаркан, гандиркалаганича, деворга бориб суянди.

— Еч! — дея ўнг оёғини олдинга чўзди. Ҳилола энгашиб, туфли боғичларини еча бошловди ҳамки, Ботир уни оёғи билан тепиб юборди. Ҳилола ағанаб тушди.

— Урманг, илтимос... — дея ялина бошлади. — Қўйинг, болалар уйғониб қолишади.

— Ҳе, болалар... — Ботирнинг оғзидан тупук сачради. — Боланг билан қўшиб...

Ҳилола эрини аранг ўрнига ётқизди.

Ботир эртасига яна ичиб келди. Ҳилолани ҳовли айлантириб қувди. Тўс-тўполон... Болалардан бири тарсаки, иккинчиси тепки еди.

Ниҳоясиз ҳақоратлар ичида қолган Ҳилола болаларини қўлтиқлаб, отасиникига жўнади. Ботир икки кундан кейин тавба-тазарру қилиб, қайнота-қайнонасидан узр сўради. Ҳилолани уйига олиб қайтди.

Аммо тавба-тазарру тезда унутилди. Ҳилоланинг кучи эса... ўз жонига етди. Эрта тонг маҳали уни ўз уйида ошхона деворидан ўтган газ қувурига арқон билан осиғлиқ кўрдилар.

Ботир Ҳилоланинг ўлимига сабабчи бўлган жиноий хатти-ҳаракатлари учун маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Энди юқорида келтирилган уч воқеа ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шундай табиий савол туғилади: хўш, бу воқеанинг асосий айбдори ким?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Аммо воқеалар ривожини кузатган киши бу воқеалар замирида ахлоқсизлик, ҳаётга енгил-елпи қараш, умрнинг қадрига етмаслик каби иллатлар ётганини пайқамай қолмайди. Зотан, ахлоқсиз, ғуруру шаънни назар-писанд қилмаслик кишини ҳаётда ана шундай бебурд қилиб қўяди.

Яна шуни айтиш керакки, халқимиз азал-азалдан оила шаъни, ахлоқ-одоб, ғуруру ҳаёни инсон умрининг маъно-моҳияти деб билиб, эъзозлаб келгани замирида катта ҳикмат мужассам.

Зеро, бу умр ҳар биримизга муносиб яшаш, эзгу ва савоб ишлар қилиш, яхши ном қолдириш учун берилган.

Бу ҳақиқатни англаб етиш, унга амал қилиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Ўн саккизга кирмаган ким бор…*

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***— Азизим, биз оила қурганимиздан сўнг мен сенинг барча ғам-ташвишларингга шерик бўламан, — деди қиз бўлажак қаллиғига.***

***— Жонгинам, менинг ҳеч қандай ғам-ташвишим йўқ!***

***— Ахир, мен оила қурганимиздан кейин деяпман-ку!***

* * *

***Мусиқа мактабига келган ўқувчи скрипкасини олиш учун ғилофини очган эди, унинг ичидан автомат чиқди. Бунинг кўрган ўқитувчининг ранги-қути ўчиб сўради:***

***— Нима бу?***

***— Отамга ачиниб кетаяпман, — деди бола унга жавобан. — У ҳам худди шундай ғилофни кўтариб банкни ўмаргани кетганди...***

Jinoyat va jazo

# ОЛОВНИ УШЛАГАН ҚЎЛ... КУЯДИ

**СУД ОЧЕРКИ**

Ҳайбатли довондан ошиб, Фарғона водийсига қадам босган ҳар бир киши азим Сирдарё кўпригидан ўтиши билан Данғара туманига кириб боради. Йўлнинг икки четида мазали ширмой нонларни кўз-кўз қилиб, сотиб ўтирган қиз-жувонлар, дарё сувидан ичган тилёрар қовун-тарвузлар, балиқ кабобларини айтмайсизми?! Ҳар бир йўловчи бу нозу неъматларга бефарқ қараб ўтолмайди.

Шу манзаранинг гувоҳи сифатида Қумқишлоқ, Санам, Сой-Шилдир қишлоқларини оралаб, Хўқанди Латифга қандай кириб борганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Иқбол Усмонов биз таърифлаган Сой-Шилдир қишлоғида туғилиб вояга етди, уйланди, бола-чақа орттирди. Унинг аввалига тайин юмуши йўқ эди. Шунинг учун у дастлаб енгил машиналар эҳтиёт қисмларини одамлардан арзон-гаровга сотиб олиб, Қўқон бозорига қиммат нархда пуллаб юрди. Аммо кўп ўтмай унинг хаёлига бирдан бирор танишининг машинасини ижарага олиб, киракашлик қилиш, кейинчалик бошқалар кўрса, ҳавас қилгудек машинага эга бўлиш фикри келди.

Дастлаб ишлари юришгандай бўлди. У Асқар исмли танишининг "ВАЗ 2105" русумли машинасини ойига 25 минг сўм эвазига ижарага олди. Ҳатто кейинчалик икки йилга ҳар ойда 50 минг сўмдан бериб турса, машина ўзига қолишини Асқар билан келишиб олди.

Шундан сўнг Иқболнинг ишлари юришиб кетди. У ҳар куни машинада шаҳар айланар, турли одамларни манзилига етказиб, ҳожатини чиқарарди. Шу алфозда кунлар, ойлар ўтди, у кўплаб таниш орттирди.

Аммо Иқбол табиатан борига қаноат қиладиган кимса эмасди. Баъзан у шалдироқ араваси ёнидан "Нексия" қушдек учиб ўтиб кетса, орқасидан кўз узолмай қоларди. Шундай пайтда у ўзига "йўқ, бундай йўл билан умрингнинг охиригача машиналик бўлолмайсан, биринг икки бўлмайди, Иқбол!" деб қўярди. Бунинг устига елкасига миниб олган шайтон тинимсиз "гапинг тўғри, мард бўлсанг, ортга қайтма", дея шошираРди. Шу тариқа унинг хаёлида бир-биридан ёвуз ўйлар бўй кўрсата бошлади.

"Тайёргарлик кўраверайликчи, у ёғи бир гап бўлар", дея у эгилувчан юмшоқ тросдан сиртмоқ ҳамда қирқма милтиқ ҳам тайёрлаб қўйди. Иқбол бу совуқ қуролларни хотинига кўрсатиб, унга ёвуз ниятини ошкор қилганда, Мавжуданинг қўрқувдан нафаси ичига тушиб кетди. Дафъатан нима дейишини билмай қолди. Аммо у эрининг баджаҳл эканини яхши билар, илгари ҳам бир марта гап қайтарганида, ўлакса қилиб калтаклаб ташлаганини эсидан чиқармаган эди.

Қисқаси, ғишт қолипдан кўчган, фақат Мавжуда режага асосан уйда эрини кутиши, сўнг қотилликни бирга амалга ошириши керак эди.

Ўша кун Иқбол кечки салқин тушиши арафасида уйдан чиқди. У Қўқон шаҳрининг Ғиштқўприк мавзесига (2000 йил 21 июль куни соат 18 ларда) етиб келди. Иқбол ўзи ҳам киракашлик қилиб юргани боис ўз касбдошларини бир қарашдан билар эди. У киракашларга бир-бир кўз ташлар экан, нигоҳи "ВАЗ 2106" русумли, "Б 4716 ФЕ" давлат рақамли машинага тушди. У очиқ чеҳра билан ҳайдовчи ёнига яқин келди-да, ўзидан кичик бўлса-да, ака, хизматдамисиз, деб сўрашган бўлди. Мижоз кутиб ўтирган Учкўприк туманидаги Яккамулло қишлоғида яшайдиган Акмалжон Тоштемиров унга жавобан "ҳа, хизматдамиз, қаерга борасиз?"— деб сўради.

— Ҳозир Бувайда туманига борамиз, иш битгандан сўнг Сой-Шилдир қишлоғига ташлаб қўясиз, хизмат ҳаққингизга айтганингизни бераман, — деди Иқбол.

Бундай айтганингни берадиган дангал йўловчилар баъзан учраб туради. 3-4 нафар мижозни у ёқ-бу ёққа олиб боргандан кўра, битта шунақа йўловчининг ҳожатини чиқарсангиз бас, қўлинг пул кўргандай бўлади.

Хуллас, улар 2500 сўмга келишиб, йўлга тушишди.

Иқболнинг назарида, кун ҳали эрта эди. Унинг гарчи, Бувайдада тайин иши бўлмаса-да, вақт ўтказиш учун шундай йўл тутган эди. Эндигина 29 баҳорни қаршилаган Акмалжон ўзи туғилиб ўсган қишлоқ оралаб борарди. У айни пайтда ўз қишлоғини охирги марта кўриб турганини қаёқдан ҳам билсин?!. Улар Бувайда тумани қишлоқларидан бирига етиб боргач, Иқбол гўё таниши уни кутиб турганини рўкач қилиб, Сой-Шилдир қишлоғига қайтиб боришни, сўнг яна қайтиб келиш лозимлигини тушунтирди. Акмал ҳам бунга рози бўлди. Иқбол Усмонов эса қотиллик содир этишга қаттиқ тайёргарлик кўрган, ҳозирча ҳамма иш у ўйлагандек бораётган эди. Йўлда у машинани тўхтатиб, бозордан ароқ, гўшт ва бошқа майда-чуйдалар харид қилди.

Акмал Тоштемиров Иқболнинг домига биринчилардан бўлиб илинган эди. Бахтга қарши Иқболнинг уйига 50-60 метр чамаси узунликдаги тор йўлакчадан ўтиб, кирилар эди. Энг устамон ҳайдовчи ҳам бу йўлакчадан ўтишга юраги бетламас, одатда, бундай пайтда Иқболнинг ўзи машинани бошқарарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. У Акмалнинг машинасини ўзи ҳайдаб ўтди. Ичкарида Акмални Иқболнинг хотини очиқ чеҳра билан кутиб олди ва номаҳрам эркакни дастурхонга таклиф этиб, ўзи чой узатди. Иқбол авалдан хотинига шундай йўл тутишни қайта-қайта уқтирган эди.

Айни дамда хотини унинг айтганларини бекаму кўст бажарар, четдан кузатиб турган кишига у худди ўта меҳмондўст, очиққўнгил аёлдек таассурот уйғотар эди.

Иқбол боя йўл-йўлакай харид қилган нарсаларини хотинининг қўлига тутқазар экан:

— Тезроқ пишириб кел, — деди.

Ростини айтиш керак, Иқболнинг меҳмондўстлиги, хотинининг товусдек ял-ял товланиб, парвона бўлиши Акмални батамом ром этиб қўйган эди. У дастурхон атрофида яйраб ўтираркан, ҳали уйга қайтиб кетиши, машинани бошқариши лозимлигини ҳам унутиб қўйди. Иқболнинг хотини ишва билан узатган бир пиёла ароқни ҳеч иккиланмай сипқориб юборди. Шундан сўнг унинг иштаҳаси баттар очилиб кетди, гўё бегона хонадон эмас, балки ўз уйида ўтиргандек, ўзини эмин-эркин тута бошлади.

Иқбол ва унинг хотини эса ўзларини сиртдан меҳмондўстдек тутиб, юзларидан табассум аримас, иккиси ҳам бирдек меҳмоннинг атрофида гирдикапалак бўларди. Аслида эса, иккаласи ҳам ич-ичидан бетоқат бўлар, уй-хаёлини банд қилиб олган ёвуз ният таъсирида тезроқ вақт ўтишини кутишар эди.

Кўп ўтмай Акмал бутунлай маст бўлиб қолди. Айнан шу фурсатни кутиб ичи ғимирлаб турган Иқбол қўлига темир "трубка"ни олиб, Акмалнинг бошига зарб билан урди. Акмал дафъатан бошига келиб тушган зарбдан чайқалиб кетди-да, мункайиб қолди.

Аммо у қаттиқ қўрқув ичида ўзини ўнглаб олишга улгурмай туриб, Иқбол унинг бўйнига сим сиртмоқ солиб, даҳлизга судраб чиқди. Кейин бир четда қўрқувга тушганидан дағ-дағ қалтираб турган хотинига Акмалнинг қўл-оёғини боғлашни буюрди.

Шундан сўнг ҳаммаси кўз очиб юмгунча рўй бериб ўтди. Биринчи қотиллик ана шу тариқа содир этилди. Қўллари бегуноҳ одамнинг қонига ботган икки қотил мурданинг ёнидан титкилаб-титкилаб, 600 сўм пулини олишгач, уни уйнинг орқа томонида илгаридан тайёрлаб қўйилган чуқурга кўмишди.

Акмалдан бир ярим сўм нархдаги машина уларга «ўлжа» бўлиб қолган эди. Айни дамда икки нобакор — эр-хотин ўзлари ҳозиргина содир этган хунрезликларини эмас, балки ана шу "ўлжа" ҳақида ўйлашарди.

Албатта, Иқбол қотиллиги эвазига қўлга киритган машинани кўча-кўйда эмин-эркин ҳайдаб юролмасди — бунга ўзининг ҳам балодек ақли етарди. Шунинг учун унга машинани эҳтиёт қисмларга бўлиб, сотишга кўмаклашадиган ёрдамчи зарур эди. У илгаридан шундай бир кимсани кўз остига олиб юрганди. Бу — қўшни қишлоқлик, илгари судланган Юнусали исмли киши эди. Бироз олдинроқ Иқбол унга бу ҳақда гап очганда мужмал жавоб олганди. Аммо қотиллик содир этилган куннинг эртасидаёқ у Юнусалига "ўлжа"ни кўрсатганда, унинг бирдан оғзининг таноби қочди:

— Зўр-ку! — деди у хурсандлигини яширолмай. — Сени билардим — айтганини қиладиган йигит эканингни. Мен розиман!

Ўша куни улар машинани бозорга олиб чиқиш учун эҳтиёт қисмларга бўлаклашди. Машина "кузов"ини эса, бир пайтлар тўрт нафар мардикорга ҳовуз учун ковлаттирган чуқурга кўмиб ташлашди.

Шу тариқа бу ёвузлик якун топди.

* * *

Биринчи қотиллик содир этилгач, Иқбол бошчилигидаги жиноий гуруҳ тузилди. Иқбол томонидан уларга жиноий ишлар тақсимланиб берилди: эр-хотиннинг сафига қўшилган Юнусали Раҳмоновга бундан буён қўлга киритилган машиналарни қисмларга бўлаклаб, Қўқондаги "Мастона" эҳтиёт қисмлар бозорида сотиш юклатилди. Мавжуда эса яхши кийиниб, эри бошлаб келган "меҳмон"ни кутиб олиши керак эди.

Иқболнинг ўзи эса янги-янги "ўлжани" қидириб топиб, уйга бошлаб келар эди.

Улар Акмалнинг машинасини қисмларга бўлаклаб, сотиб юборишгач, кўзи қонга тўлган Иқбол яна йўлга тушди...

Бу сафар у Чуст шаҳрини мўлжалга олган эди.

2000 йилнинг 16 сентябр куни кеч соат 17.00 ларда Иқбол Чуст шаҳрининг айланма йўлида турган киракаш машиналарни кўздан кечира бошлади. Унинг нигоҳи "ВАЗ 2106" русумли, "КС 8479" давлат рақамли машинага тушди. Бу машина унинг кўзига оловдек кўринди. "Бозорда камида икки миллионга олади, — дея кўнглидан ўтказди у. — Шуни қўлдан чиқармаслигим керак".

У кўнглида ана шундай ғайрли ўй билан машинага яқин келди-да, ҳайдовчидан Поп тумани марказига олиб бориб қўйишни илтимос қилди. Ҳайдовчи ўз навбатида йўл ҳаққига қанча беришини сўради. Иқбол у билан тортишиб ўтирмади, икки юз сўмга рози бўлди. Ва улар йўлга тушишди.

Йўлда кетаётиб, Иқбол ўзи ҳам машина олди-сотдиси билан шуғулланиши, Чустга ҳам шу ниятда келганини айтар экан, агар уйимгача олиб бориб қўйсангиз, истаган нархингизни бераман, деди. Ҳайдовчи Аюбхон Ҳайитов ҳам уни ортиқ ялинтириб ўтирмай, хўп, дея қолди.

Улар Сой-Шилдир қишлоғи, яъни Иқболнинг уйига етиб келгач, Мавжуда иккаласини ҳам гулдек очилиб кутиб олди. Тўкин дастурхон атрофига таклиф этаркан, у минг бир тавозе билан, йўлда чарчаб келгансиз, ака, суяниб ўтиринг, дея Аюбхоннинг ёнига ёстиқ қўйди.

Ким билади, эҳтимол, Аюбхон Мавжуданинг ўзига кўрсатаётган илтифотларини кўриб, ҳар хил хаёлга боргандир. Чунки одатда, ҳеч қайси хонадонда уй бекаси кўчадан эри бошлаб келган нотаниш кимсага бунчалик қуюқ илтифот кўрсатмайди. Аввало, бунга аёлларимиздаги ҳаё, ибо, қолаверса, оила шаъни сингари азал-азалдан муқаддас саналган туйғулар йўл қўймайди.

Аммо Иқболнинг хонадонида бунинг тамоман акси эди. Бошқача айтганда, Мавжуданинг бундай илтифоти, беҳаё ҳатти-ҳаракати замирида зўр макр-ҳийла ётар эди. Бу хонадонга илк марта қадам босган Аюбхон ана шундан бехабар ҳолда дастурхон атрофида яйрабгина ўтирар эди.

Энг ёмони, у бир неча дақиқадан сўнг остонада пойлаб ётган шум ажал умрига якун ясаши, уйи, оиласи, бола-чақасидан узоқда, худонинг икки балоси қўлида ўлим топиши, жисму жасади хор-зор бўлишини билмасди. Унинг атрофига тинимсиз парвона бўлаётган Мавжуда вақт тезроқ ўтиши, тун янада қуюқ тортишини кутиб, юраги гупиллар эди.

Аюбхон худонинг қарғиши теккан хонадонда кечаси, чамаси, ўн бир-ўн иккигача қолиб кетди. Рўё пардаси унинг ақлу ҳушини буткул ўғирлаб қўйган, ўрнидан туриб, уйга кетишга сира чоғи келмас, атрофида парилардек нозу карашма билан айланаётган Мавжудадан кўз узай демасди.

Ниҳоят, у чор-ночор истамай ўрнидан турди. Аммо энди уйдан чиқишга чоғланаётганда, бўйнига кутилмаганда, солинган темир сиртмоқни сезмай қолди. Фақат у қўрқувдан кўзларини катта-катта очганча, жон ҳолатда ўзини ташқарига урди. Лекин бошига келиб тушган зарбдан ўзини йўқотиб, ерга чўккалаб қолди. Унинг ҳамма нарсамни олинглар, мен розиман, фақат ўлдирманглар, деган сўзи бўғзида қолиб кетди... Буткул ёвузлашиб кетган Иқбол қаттиқ ҳансираганча унинг оғзи-бурнидан тирқираб қон келгунича сиртмоқ билан бўғиб турди. Сўнгра сиртмоқни бўшатгач, Аюбхоннинг жонсиз танаси "шилқ" этиб, ерга қулаб тушди.

Унинг кўзлари дунёдан очиқ кетган эди...

***(Давоми келгуси сонда)***

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**журналист**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
**ИНСОН ва ҚОНУН**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-721. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.